
Эксперт фикри: Коронавирус иссиқ ҳароратда йўқолмайди

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши коронавирус тарқалишини тўхтатиши мумкин деган тахминларни ўринсиз. Худди шундай фикрни Россия Фанлар академиясининг Иқтисодий прогнозлаш институти жамоат саломатлигини таҳлил қилиш ва прогнозлаш лабораторияси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Борис Ревич илгари сўрмоқда. “Юқори ҳароратда у (коронавирус — таҳр.) чиқиб кетади, деган тахминлар бор. Аммо менинг фикримча, бу фантазия. Вирус Ухандан келиб чиқди. Ўша пайтда — январь-декабрь ойларида у ерда ўртача кунлик ҳарорат 10 даража илиқ эди. Шундай экан коронавирус иссиқ ҳароратдан кўрқади дея ҳисоблаш нотўғри”, дейди Ревич. Мутахассис таъкидлашича, одам инфекциядан халос бўлиш учун иссиқ ҳароратга таянмаслик керак. “Тушунишимча, мунозаралар давом этар экан, вирус кимга тегишли ва унинг ташувчиси ким, ва бу ҳали тўлиқ аниқланмаган”, дейди мутахассис. Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 11 март куни янги COVID-19 коронавирус тарқалишини пандемия дея эълон қилди.

Манба: Фарғона шифокори газетаси.

2020-03-26 16:53:32